

O'zbekiston Respublikasi
Surxondaryo viloyati xalq
deputatlari Termiz shahar
Kengashining
Q A R O R I



РЕШЕНИЕ
Термезского городского
Кенгаша народных депутатов
Сурхандарьинской области
Республики Узбекистан

2020 йил 28 декабрь

121/VI-23

Термиз ш.

**Термиз шаҳар 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур қонунга асосан 2021 йил учун шаҳар маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши **қарор қилади;**

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Термиз шаҳар (Кейинги ўринларда шаҳар деб аталади) маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 52 млрд. 027 млн. сўм миқдорида тасдиқланганлигимаълумот учун қабул қилинсин.

2. 2021 йилги шаҳарнинг макро иқтисодий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2021 йил учун шаҳар маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Шаҳар бюджетидан 2021 йилги бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шаҳар бюджетига умумдават солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2021 йил учун шаҳар бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

6. Шаҳар бюджетга ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2021 йил учун шаҳар маҳаллий бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам

маблағлар 993 млн. 960 минг сўм миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2021 йил учун шаҳар маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1 млрд. 027 млн. сўм миқдорида белгилансин.

Шаҳар ҳокимлиги Захира жамғармалари маблағларини шаҳар бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. Шаҳар маҳаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалар тегишинча шаҳар Кенгаши томонидан шаҳар ҳокимлиги таклифига асосан, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилишини инобатга олган ҳолда Кенгашлар қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

10. Шаҳар ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

11. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

12. Шаҳар ҳокимлиги:

Шаҳар маҳаллий бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 10-санасига қадар расмий веб-сайтларга шаҳарнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-

таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотларни жойлаштирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий

веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

13. Бюджет маблағлари тақсимловчилари бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини шаҳар Кенгашига берилишини таъминласин.

14. Республика вазирлик ва идоралари, шунингдек вилоят бошқарма ва ташкилотлари ишчи гуруҳлари томонидан туман ва шаҳарларда ўтказиладиган ўрганшилар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилаётган "Йўл харита"лари, баёнлари билан шаҳар маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичларига ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

15. Шаҳар ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун шаҳар Кенгашига маълумот киритсин.

16. Шаҳар ҳокимлиги қарорда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси



Д.Нормуродова

Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2020 йил « 18 » декабрдаги
121/19-сонли қарорига
1-илова

2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	51 748 120,0
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	12 192 585,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3 108 082,0
5	Қўшилган қиймат солиғи	
6	Акциз солиғи, жами	5 606 730,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	<i>- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ</i>	<i>5 606 730,0</i>
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 931 740,0
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 400 512,0
9	Юридик шахслар ер солиғи	4 929 181,0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	3 755 321,0
11	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	306 740,0
12	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	282 861,0
13	Давлат божи	
14	Жарималар	
15	Ижара тўлови	300 000,0
16	Акциз солиғи (Арок, табиий вино ва бошқа махсулотларга акциз)	9 697 618,0
17	Акциз солиғи (Алоқа хизмати)	5 236 750,0
18	Ўтказиб бериладиган даромадлар	



Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2021 йил "28" декабр
-сонли қарорига
2-илова

2021 йил учун Термиз шаҳар бюджетидан биринчи даражадаги бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағ ажратмаларининг чекланган миқдорлари

		минг сўмда
№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	103 775 034,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	103 775 034,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	Халқ таълими бўлими	5 090 997,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	5 090 997,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	Мактабгача таълим бўлими	9 340 076,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	9 340 076,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими	398 721,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	398 721,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	Соғлиқни сақлаш муассасалари	44 859 958,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	44 859 958,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5.	Маданият бўлими	4 336 649,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	4 336 649,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	1 893 417,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 893 417,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	Ветеринария бўлими	399 876,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	399 876,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	Меҳнат бўлими	551 152,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	551 152,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	Молия бўлими	784 097,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	784 097,0

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	Пенсия бўлими	675 176,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	675 176,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	Ободонлаштириш бошқармаси	17 694 115,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	17 694 115,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	Давлат ҳокимият органлари	1 606 320,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 606 320,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	Ижтимоий мослашув маркази	124 032,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	124 032,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	Ижтимоий нафақалар	11 265 533,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	11 265 533,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	Маҳалла сақлаш харажатлари	3 600 411,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	3 600 411,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	Халқ депутатлари кенгаши котибияти	127 028,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	127 028,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	Захира жамғармаси	1 027 476,0
	<i>шу жумладан:</i>	
	жорий харажатлар	1 027 476,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	



Умумдавлат солиқларидан шаҳар маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фонд ҳисобида														
Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Актив солиғи. - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норузда қурилиш материаллар и учун ер қазридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахсларнинг ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўловлар и
1	Термиз шаҳри		100	100		100	20	30	100	100	80	100		100

Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2020 йил «28» декабрдаги
14/17-сонли қарорига
4-илова

Термиз шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2021 йил даромадлари ва харажатларининг
чегаравий ҳажми

минг сўмда

Худуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	51 748 120,0	103 775 034,0
Термиз шаҳар	51 748 120,0	103 775 034,0



Термиз шаҳар маҳаллий бюджетининг 2021 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	52 026 914,0
шундан	
Термиз шаҳар	52 026 914,0

Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2020 йил «28» декабр даги
121/VI-23-сонли қарорига
6-илова

Термиз шаҳар маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар
миқдори

минг сўмда		
Т/р	Худуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	993 960,0
	шундан	
1	Термиз шаҳар	993 960,0

АНИК


ЗАРБА ВА ... "ГОЛ!"

Президент ҳузурида шеър айтган жиззахлик талаба Сайфиддин Оканов шарофати билан яна 11 нафар ёшлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди!



ЖИЗЗАХДА

6 ҚАВАТЛИ БИНО ҚУЛАДИ...



ЭЪТИБОР

УМРИНГИЗГА ИСТАМАСАН



3-БЕТ

Термиз он

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, БАД

2001 йил 1 февралдан чиқа бошлаган

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Ке

Халқ депутатлари
Термиз шаҳар
Кенгашининг Қ А Р О Р И

№ 121

ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2021 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, 2021 йилда халқ депутатлари

2021 ЙИЛ — ЯНГИ МАР

ТЕРМИЗ ШАҲРИДАГИ БАХШИЛАР МАКТАБИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2020 ЙИЛ 29 ДЕКАБРДАГИ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН МУҲИМ ҒОЯЛАР ТАРҒИБОТИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Дилафруз РАСУЛОВ
7-умумтаълим мак




СЕССИЯДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ФАҲ, ТАЪЛИМ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ОДИЛЖОН ИМИНОВ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ, СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ, ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИ, ТАШКИЛОТ-КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ВА ОАВ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШДИ.

Унда шаҳар биринчи сектори ҳудудидаги маҳалла раҳбарлари ва ўринбосарлари, ёшлар етакчилари, тиббиёт массасалари, тадбиркорлик секторлари ва бошқалар иштирок этди. Семинарда Термиз шаҳар ҳокими, биринчи ўринбосари, шаҳар ҳокими ва бошқалар иштирок этди. Ўзбекистон — янги дунёқараш" ғояси асосида ва Мурожаатномадан ўрин олган масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Термиз турмуш даражасини оширишдаги аҳамиятлиқ тадбирда улғу мақсадларда бошланғич таълим билан юқори савияда баҳаришга эришилди. Иштирокчилар шаҳардаги муҳим ташаббус доирасида эришилган натижалар билан яқинд

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ

СИЗЛИГИНГИЗ

ЗОМИН БЎЛИШНИ
ИЗ, РИОЯ ҚИЛИНГ!




3-
БЕТ



МАЪНО АБАДИЙЛИГИ

КЎХНА ЎТМИШ ВА
ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАРДА



4-
БЕТ



ХИКМАТ

ДУРДОНАЛАРИ



ДШОМИ

ИЙ ГАЗЕТА

19 январь 2021 йил
№ 1 (581)

игаши ва шаҳар ҳокимлигининг нашри

Бир қатим
нур бўлмаса,
тош билан
олмоснинг
фарқи йўқ.

АЛАР, ЯҚДИЛ ҚАДАМЛАР

ўқитувчиси



14 ЯНВАРЬ
КУНИ ТЕРМИЗ
ШАҲАР ҲОКИМИ
И.ХУДОЙБЕРДИЕВ
1-СЕКТОР ШТАБИДА
ОММАВИЙ САЙЁР
ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ. УНДА
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ-
ЛАР РАҲБАРЛАРИ, МУРО-
ЖААТЧИ ФУҚАРОЛАР ҲАМДА
КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК
ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОКОТ:

Кўзгу



БИЗ... АСЛИДА
ҲАМ ИЧНАҚА
ХАЛҚМИДДИК?!

НИМА УЧУН ФИНЛЯН-
ДИЯДА КОРРУПЦИЯ
ДЕЯРЛИ ЙЎҚ? - ДЕЯ
БЕРИЛГАН САВОЛГА
ЭКСПЕРТЛАР БЕШТА
САБАБНИ КЎРСАТИШДИ:

1. Финларда очқўзлик, нафс-
га қул бўлиш, бойликка инти-
лим рағбатининг йўқлиги бўл-
ди.

а фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари
ари, ташкилот ва корхоналар бошликлари,
бектлари вакиллари иштирок этишди.
ктор раҳбари Исроил Худойбердиев "Янги
да ташкил этилаётган тадбирнинг мақсади
инг жамиятимизни ривожлантириш, халқи-
ияти ҳақида атрофлича маълумот берди.
н эзгу ишларимизни юксак сифат
аратилган видеоролик намойиш
таълим муассасаларида бешта
илаётган ютуқлар кўргазмаси
танишди.

Конгашининг маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан, маҳаллий бюджет ва ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур қонунга асосан 2021 йил учун шаҳар маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонунига (кейинги ўринларда "қонун" деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Термиз шаҳар (кейинги ўринларда "шаҳар" деб аталади) маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 52 млрд. 027 млн. сўм миқдоридан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2021 йилги шаҳарнинг макроиқтисодий прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ ҳамда 2021 йил учун шаҳар маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Шаҳар бюджетидан 2021 йилги бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шаҳар бюджетига умумдават солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2021 йил учун шаҳар бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

6. Шаҳар бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2021 йил учун шаҳар маҳаллий бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари 993 млн. 960 минг сўм миқдори 6-иловага мувофиқ белгилансин.

Давоми 2-бетда III

ТЕРМИЗ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ XXIV СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Сессия кун тартибидаги биринчи масала юзасидан шаҳар ҳокими ўринбосари **К.Ашуров**нинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида қайд этилган топшириқларни амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича энг устувор вазифаларни белгилаш, улар ижросини таъминлаш тўғрисида"ги маърузаси тингланиб, билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқилиб, халқ депутатлари Термиз шаҳар

Кенгаши қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси **О. Иминов**нинг Мурожаатнома мазмун-моҳияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари тингланиб, депутатларга ўзлари сайланган сайлов округларда, корхона ва ташкилотларда кенг муҳокама қилиш борасида тавсиялар берилди.



**Адабиёт ва
санъат
оламида**

**ИҚТИДОРЛАРНИ
ЎЗИМИЗ
ЯРАТАМИЗ!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕ-
КИСТОН ЁШЛАР ФОРУМИДАГИ
МАЪРУЗАСИДА ВИЛОЯТ
ҲОКИМЛАРИГА МАДАНИЯТ ВА
САНЪАТ СОҲАСИДАГИ ЎТА
ИҚТИДОРЛИ БЎЛГАН ЁШЛАРНИ
АНИҚЛАШ, УЛАРНИ ОЛИЙ-
ГОҲЛАРДА
МАҲАЛЛИЙ
БЮДЖЕТ ҲИСО-
БИДАН ЎҚИТИШ
ВА ЎЗ ҲУДУДИ-
ДА УЙ-ЖОЙ ВА
МУТАХАССИС-
ЛИГИ БЎЙИЧА
ИШ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ
ЧОРАЛАРИНИ
КЎРИШ ВАЗИ-
ФАСИ ТОПШИ-
РИЛГАН ЭДИ.**

Айни шу мақсадда Термиз шаҳар ва туманларидан 100 нафардан ортиқ маданият ва санъат соҳасида фаолият юритиб келаётган ёки шу соҳага қизиқаётган энг иқтидорли, энг истеъдодли ижодкор ёшлар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг 75 нафари санъат ва маданият ОТМларига қабул қилишга тавсия этилди.



канов. Термиз давлат университети доктори Ш.Шайдуллаев, тети кафедра мудири Меҳриаммакатишда 2021 йилнинг аш ва аҳоли саломатлигини деб номланишининг муҳим юритди. Мурожаатномада трилиши тизимини такоун устуворлигини таъуқуқ тизимини янада иллий иқтисодиёти-тириш ва либерал-гимоий соҳаларни борасида илгари ифаларни чуқур берилди. Хавф-латлараро то-диний бағри-таъминлаш, анган, ўзаро ли ва ама-қи сиёсат дағи го-я-нғ ўрни да фикр илди. Иш-чилар-қизик-ан са-ларга ивоб ие-ил-ди.

Масалан, олий даражали журналист! Йўқ, ундай эмас, улар узок йил хизмат кўрсатиш-ганидан сўнг, насиб қилса, муносиб кўрилса, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвони берилади. Яна журналистларнинг фаоллиги эътиборга олинади.

Журналист – ҳақиқат ва адолат химоячиси. Демак, журналистларни ҳақларварлик нуқтаи назарига қараб тоифалаш мумкин. Ўзбек журналистикаси XX аср бошларида шаклланган деб фикрласак, (аслида Яссавий

САМЕР ҚАБУЛДА 80 ДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Термиз шаҳридаги барча корхона ва ташкилот раҳбарларининг аҳоли билан бевосита мулоқотга кириши, айниқса, сайёр қабуллар орқали мурожаатчилар ҳузурига бориши халқимизнинг адолатга, давлатга, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, очик мулоқотларда аҳолига муносиб иш ва турмуш шароити яратиш борасида бор куч ҳамда имкониятлар ишга солинаётир.

Аҳоли билан очик мулоқот мобайнида 50 нафардан ортик фуқаронинг 80 дан зиёд мурожаати тингланб, уларнинг эътирозига сабаб бўлган ҳолатлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда бартараф этиш чоралари кўрилди. Мурожаатда келтирилган коммунал соҳасига доир айрим муаммолар жойида ҳал этилди. Маълум муддат, яъни атрофлича ўрганиш ёки вақт тақозо этиладиган мурожаатлар бўйича тегишли мутасаддиларга вазифалар белгиланиб, ижроси назоратга олинди.

Нуқтаи назар



ЖУРНАЛИСТ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Алибек ЭРГАШЕВ,
журналист

**ЖАМИКИ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛ,
МАТБУОТ ХИЗМАТИДА ЮРГАНЛАР
ЖУРНАЛИСТМИ ЁКИ УЛАРНИ ҲАМ
ТОИФАГА АЖРАТИШ МУМКИНИМИ?
МАОРИФ СОҲАСИДА
ИШЛАЁТГАНЛАРНИНГ МАЛАКА
ТОИФАСИ БЎЛАДИ: ОЛИЙ ТОИФА,
БИРИНЧИ, ИККИНЧИ ВА
МУТАХАССИС. БАЛКИ,
ЖУРНАЛИСТЛАР МАҲОРАТИ
ДАРАЖА БИЛАН БЕЛГИЛАНАР.**

хикматларида – даъват, Навоий қитъаларида одамлиликка ундаш...), Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Авлоний, Мунаввар қори, Абдулла Қодирийларнинг – қани айтинг-чи, қайси бирларига осон бўлган? Бехбудий ўлдириб юборилмаганида, у ҳам "халқ душмани" сифатида отилган бўлар эди. 50-йиллардан кейин Абдулла Қаҳҳорнинг: "Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман" деган фикри анжуман бўлаётган зални портловчи сукунатга чўмдиргани ҳали-ҳануз давраларда эсланади. Зеро, эҳтиёж борки, эсланади.

Давоми
2-бетда

идеялар ва ҳаёт
дай тушунчани ёввойи осий-ликларга хос калтафаҳм одамлар (дегенератлар) учун кўнгил-хушлик деб ҳисоблайдилар.

2. Финлар бировларнинг ҳисобидан бойишни мутлақо тасаввур қила олмайдилар. Ўз миллатдошлари ҳисобига бойишни улар халққа нисбатан нафрат деб ҳисоблайдилар. Уларнинг тушунчалари бўйича бундай ишларни фақат разил, қабиҳ кимсаларгина қила оларкан.

3. Финлар давлат бюджетига хиёнат, бу — ўз фарзандларининг келажагига, миллат, халқ келажагига хиёнат эканлигини аниқ-тиниқ тушунадилар. Ахир ўша давлат, халқ мулкини ўмарётган одам ҳам шу Финляндия ҳавосидан нафас олади, сувини ичади, шу йўлларда юради, унинг болалари ҳам мактабларга боради. Ўз фарзандлари ва уларнинг келажигидан нафратланиш, яъни уларнинг келажигини ўғирлаш фақат маънавий қашшоқ одамнинг, яъни махлукнинг қўлидан келади, деб ҳисоблайдилар.

4. Финлар ўғриллар, улар энг кўрқоқ, тубан одамлар, доимо адолат қасосидан кўрқиб, яшириниб, ҳаловатсиз яшашларини биладилар. Бундай одамлар ҳеч қачон чинакамига озод бўла олмайдилар, бундай одамлар элга ҳеч қачон қўшила олмайдилар, халқ улардан нафратланади.

5. Финлар ҳеч қачон фарзандларини бирон ўқишга ёки ишга таниш-билиш орқали "тиқиштирмайди". Улар бу билан ўз фарзандларига зарар келтираётганларини яхши тушунадилар. Улар ноқонуний иш қилишни, яна фарзандлари учун жиноят қилишни тасаввур ҳам қила олмайдилар. Чунки улар инсон ўз илми, малакаси, қобилияти билангина бирон нарсага эришиши керак, деб ҳисоблайдилар. Бу йўлда улар ўз фарзандлари агар бошқалардан илм-сизроқ ёки қобилиятсизроқ бўлса, ҳеч қачон ўша болаларнинг жойини ўз боласига раво кўрмайдилар. Бу ишни финлар разолат, адолатсизлик деб ҳисоблайдилар. Ўз фарзандларига яхшилик қиламан, деб унга келажақда муаммолар орттириш фақат ахлоқ одамнинг ишидир, деб тушунадилар.

Балки шунинг учун ҳам деярли ҳеч қандай бойлиги йўқ Финляндия дунёдаги энг фаровон, тараққий этган, бахтли одамлар мамлакати бўлиб қолётгандир...

Энди, ҳақли саволга навбат: -Биз-чи?!